

*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat
Universiteti
Filologiya fakulteti o'zbek tili bo'limi*

REFERAT

**Mavzu: O'.Hoshimov hikoyalarida psixologik tasvirning yetakchi
tamoyillari**

Topshiruvchi: Gaipova Zaynab

Qabullovchi: Duysenbayev O

Nukus - 2013

ЎТКИР ҲОШИМОВ ҲИКОЯЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ТАСВИРНИНГ ЕТАКЧИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Инсон руҳий дунёсининг адабиётдаги тасвири, ифодаси қонуниятларини текшириш бугуннинг долзарб илмий-эстетик муаммоси ҳисобланади. Кузатишлар курсатадики, инсон руҳияти, ички оламидаги узига хослик ҳамша ҳам ташқи дунёга боғлиқ булавермайди. Инсон кунглида кечаётган ҳиссиётлар, орзу-мақсадлар, интилишлар атрофдаги муҳитга камдан-кам ҳолатларда туғри келади. Туғри, инсон руҳиятидаги тадрижийлик ташқи муҳит воситасида юз беради. Одамнинг руҳий тушқунлиги ҳам, кутаринкилиги ҳам ижтимоий муҳит таъсирида юзага келади. Купинча инсоннинг узи уз руҳий ҳолатини туғри тушуниш ёки изоҳлашга ожизлик қилади.

Ишнинг мазкур бобида таниқли ёзувчининг тадрижий тарзда 60-йилаларда, кейинроқ 70-йиллар охирларида яратган ҳикояларини таҳлилга тортдик. Бу ҳикояларда инсон ҳатти-ҳаракатларидан кура, қалб кечинмалари, руҳият товланишларига купроқ эътибор берилган. Одамни ишчи кучи, меҳнат кишиси эмас, балки чигал ички дунё эгаси сифатида тасвирлаш Ўткир Ҳошимов ҳикояларида бош йуналишга айланиб борган. Ҳикояларда қаҳрамонлар руҳиятидаги талотумлар, асосан, ижтимоий турмуш таъсирида юзага келганлиги акс эттирилган.

Ўткир Ҳошимов ҳикоялари қаҳрамонлари купроқ кучли руҳий ғалаёнлар, чексиз маънавий таназзуллар исканжасида акс эттирлади. Асарларда ҳаётнинг аччиқ зарбалари, турмушнинг аёвсиз синовлари натижасида шахслиги, маънавий олами имтиҳондан утаётган одамлар ҳаётини курсатиш орқали адиб миллий адабиётда қаҳрамонлар силсиласини яратган.

XX аср 60-йилларида яратилган «Одам овози» ҳикоясида аёл –Она руҳий кечинмалари, кунглининг нозик товланишлари, дарди ва қисмати, орзу-армонлари тасвирига эътибор кучлидир. Шунинг ҳам таъкидлаш

зарурки, матбуотда жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бу асар бир карашда, социалистик реализм методига асосланган ҳолда ёзилган бўлса-да, унда ҳукмрон мафкура қолипларига тўғри келмайдиган жиҳатлар бор. Адабиётшунос олима М.Султонова ёзади: «Мастура холанинг (ҳикоя қаҳрамони –М.М.) ёлғиз қолишга фақат ўзи айбдор. Ахир Европа адабиётида ёлғизлик фожиаси катта социал фожиа сифатида талқин қилинаётган бир паллада бизда ёлғизлик тушунчасининг нисбий эканлиги, бундай фожиалар чиқиб келиши мумкин эмаслигини қаттиқроқ таъкидлаш ҳам мумкин эди»¹.

Профессор Н.Каримов М.Султонова илгари сурган илмий фикрини, олиманинг ўзи ҳаётда ёлғиз яшаганлигини, унинг аҳволи ҳам ҳикоя қаҳрамони сингари бўлганлиги учун ҳам киноя тарзида ёзган, деб ҳисоблайди. Чунки, биз ҳеч ким ғарбдаги сингари ёлғиз қолмайдиган мамлакатда яшайпмиз, социалистик жамиятда инсон ёлғиз бўлмайди, уларнинг коммунистик партиядек раҳнамоси бор, ва шу хилдаги қуруқ сафсаталарга адабиётшунос олиманинг ўзига хос исёни эди.

Ўткир Ҳошимовнинг «Одам овози» ҳикоясида Мастура хола образи орқали инсон қалбининг нозик товланишлари, унинг ҳеч нарсага бўйсунмайдиган, айна пайтда ҳеч нарсани тан олмайдиган сирли ҳилқат экани намоён бўлади. «Кеч кирди. Мастура хола Йўлдошали келса керак деганди. Йўқ, дараги бўлмади. Авваллари кунора келиб турарди. Кейин кам қатновроқ бўлиб қолди. Майли, ўғилдир-қиздир, ўзидан тинсон. Тавба, кексайганингдан кейин одамга унча-мунча нарса ёкмай қоларкан.»² Ёзувчи мазкур сатрлар билан қариб қолган кампирнинг ички оламини очишга ҳаракат қилади, унинг муайян ҳолатдаги руҳиятида содир бўлаётган эврилишларни тасвирлайди. Чунки, Мастура хола ўғли Йўлдошали, келини, невараси Асқаржонни жуда соғинган. Қолаверса, у

¹ Султонова М. Оила ва ёзувчи позицияси. //Ўзбек тили ва адабиёти журнали. –1980. -№5. –Б. 35.

² Ҳошимов Ў. Бадбахтдала тутқини. –Т.: Davr press, 2009. –Б.6.

Асқаржонни ҳамиша ўзи билан олиб ётарди. Ёзувчи буни ҳикоя аввалида шундай асослайди: «...тиззасини кучоклаб ўтирганича эшик томонга қараб кўйди. Секин хўрсинди. Данагидан мағзи ширин дегандек, неварасига ярганиб қолган экан. Асқаржон доим уни «ачом қилиб» ётар, мана шунака хаёл суриб ўтирганида, эшикни тарақлатиб очиб кириб қолар, уй бозор бўлиб кетарди»¹.

Адиб қаҳрамон руҳиятини тасвирлар экан, ўз услубига муносиб равишда табиат тасвиридан ҳам маҳорат билан фойдаланади. «У секин айвон зинасидан этакдаги ҳужрага, ундан бурчакдаги ошхонагача чўзилган силлиқ йўлгага олма хазонлари тўкилибди. Гулзордаги райхонлар шалпайиб қолибди»². Мазкур тасвир орқали адиб, ҳикоя қаҳрамони Мастура холанинг руҳий ҳолатини, ҳаётининг куз каби маъсумлашиб бораётганини, бир сўз билан айтганда, унинг бирор далдага мухтожлигини ифодалаяти.

Дарҳақиқат, шу давр адабиёти тамойилларига зид тавсир усули эътироз туғдириши мумкин: Мастура хола феъл-атворида ғалати қарама-қаршилиқ мавжуд. Бироқ муаллифнинг мақсади оддий ўзбек аёлининг мустаҳкам иймони, барқарор эътиқодини кўрсатишга йўналтирилган. Айнан қаҳрамоннинг эски уйини ташлаб кетмаслиги ҳам мазкур хусусиятлар билан боғлиқ. Биринчидан, уй марҳум эрига бўлган чексиз муҳаббати, садоқати тимсоли. Иккинчидан, аёл илк гўдак йиғисини шу хонадонда эшитган, фарзанд туйғусини шу ерда ҳис қилган. Она ва бола ўртасидаги меҳр-мурувват ришталари миллий менталитетимизнинг ўзагини ташкил этишини ҳисобга олсак, Мастура холанинг телбавор хатти-ҳаракатлари моҳияти ойдинлашади. Ҳикояда она қалбида яширин самимий туйғулар силсиласи ижтимоий меъёрларни тан олмайди. Тўғрироғи, Мастура хола жамиятнинг бахтли ёки бахтсиз аъзоси эканлиги

¹ Ўша асар. –Б.3.

² Ўша асар. –Б.3.

таъкидланмаяпти, балки, шахс қувонч-изтироблари, ҳис-туйғулари иккинчи планга чиқиб қолганлиги иллат сифатида баҳоланаяпти. Шу нуқтаи назардан М.Султонованинг даъвоси бир ёқлама ва торроқ мулоҳазани ифодалайди. Профессор О.Шарафиддинов Ў.Ҳошимов асарларини жозибадор қилган, уларга ўзига хос бадиий тароват бахш этган икки хусусиятни кўрсатади. Улардан бири, адиб бадиий асарни енгил тарғибот винтчасига айлантирмаслиги бўлса, иккинчиси, асардан келиб чиқадиган муаммоларнинг ҳаммаси энг мураккаб саволларга жавоб излаш кишини ҳаяжонга солувчи юксак бадиий шаклларда амалга оширилишидир. Таниқли адабиётшуноснинг мулоҳазаларини тўлдирган ҳолда айтиш мумкинки, лирик ҳиссиёт кўлами адиб изланишларининг табиийлиги, юзаки баён, схематик ифодадан холи бўлишини таъминлайди. Шаклнинг ўзгарувчан табиати эҳтироснинг юқори пардаларда берилиши билан уйғунлашиб Ў.Ҳошимов ижодининг бадиий яхлитлигини таъминлайди.

Ҳикояда адиб бир дунё орзу-ҳаваслар билан яшаётган, уз тақдири учун курашга бел боғлаган, бироқ қисмат олдида чорасиз ва бетадбир қолган, аммо қалбида келажакка умид руҳи сунмаган узбек аёли ички оламини ишонарли тасвирлайди.

Етмишинчи йилларга келиб адиб изланишларида ижтимоий муносабатлар таҳлили теранлаша бошлади. Бу теранлик «нотарихий» шахслар тасвиридан оддий инсоний муносабатлар ифодасига ўтиш орқали қуюқлашган. Энди ижодкор одамзоднинг жамиятга таъсирини эмас, балки жамиятнинг инсон турмуш тарзига босимини ижод маданияти марказига кўтарди. Айни пайтда миллийлик белгилари «кўзга кўринмас аъзоларда» кўпроқ уйғунлашишини эътиборга олсак ёзувчи позициясининг халқчиллик нуқталари бир қадар аён бўлади. Инсоний муносабатлар бирлиги, оптимистик кайфият белгилари Ў.Ҳошимовнинг барча асарларида қизил ип бўлиб ўтади. Жумладан, 1972 йилда яратилган

«Урушнинг сўнги қурбони» ҳикояси лирик ифода ва эпик кўлам муштараклигини акс эттиради. Аслида руҳий ҳиссиёт икки усул – соғлом эътиқод ва ижтимоий тартибот даражаси бирлигига бориб тақалади. Бу ришталардан бири узилса-чи? Мазкур ҳолатда одамзод ҳаёти бутунлай издан чиқади. Шу нуқтаи назардан адиб миллатнинг олий идеалларини турфа нуқталарда намоён қилишга уринади. Ўз навбатида миллий рух, характер мукамаллиги мезон ўлчови даражасини ифодалайди.

Ҳикоя иккинчи жаҳон урушининг инсоният турмуш тарзига, жумладан, миллат психологиясига таъсирини акс эттиради. Янгича аспектда ёритилган асарда катта ахлоқий-фалсафий муаммонинг гуманистик моҳияти бадиий ниятни юзага чиқаради. Айниқса, характер мантиғи, қаҳрамон руҳиятини ёритиш воситасида адиб теран ижтимоий умумлашмалар яратади. Мазкур хусусиятлар – ички нутқ, хатти-ҳаракат, ситуациялар, бадиий штрихлар, ҳаётий тафсилотлар бирлиги тарзида эпик макон категориясидан озиқланади. Асосий қаҳрамон - Умри холанинг икки ўғли бор. Каттаси Шоикром ўз оиласи билан алоҳида яшайди. Кичик ўғил Шонемат сил дардига чалинган. Табиб унга кўй сути буюрган, лекин она ўз фарзандига сут олиб беришга қодир эмас. Шоикромнинг топган-тутгани ҳам ўз оиласидан ортмайди. Устига-устак эрта баҳорда хонадон корига яраб турган сигир ҳам ўғирлаб кетилган. Воқеалар драматизми 1945 йилнинг кўкламида содир бўлади. Шўрлик онанинг қалби болага сут топиб бериш истаги билан ёнади. Ҳатто бу борада мавжуд имконсизлик, ночор аҳвол аёлнинг ўғирлик қилишига ҳам монелик этмайди. Тўғри, катта фарзанд қулупнайидан сўраб олинса ҳам бўларди, лекин, биринчидан, қайнона келинидан ийманади. Иккинчидан, ўзаро муносабатлар ҳам рисоладагидай эмас. Чунки бир гал келин Умри холага «бобиллаб берган». Асар давомида кузатиладиган тушкун кайфият устуворлиги аламзада ўғилнинг қарори ёрдамида фожиавий нуқтага кўтарилади. Шу ўринда Умри хола ва Шоикром хатти-ҳаракатларидаги

ўхшашлик китобхонни ажаблантирмайди. Она ўғрилиқ қилиш катта гуноҳ эканини ўйлаб кўрмаганидек, фарзанд ҳам бировнинг жонига қасд қилиш салбий иллат эканини тушунишни истамайди. Асосий айбдор – уруш ва унинг салбий асоратларидир. Шу ўринда француз мутафаккири Д.Дидронинг «характер типик шароит билан белгиланади»¹ - дея таъкидлаган концептуал фикри ҳаққонийлиги ойдинлашади. Дарвоқе, типик манзара жамият маънавий мезонларига зидлик касб этса, улкан фожиалар келтириб чиқаради. Шу тарзда ижодкорнинг уруш ва унинг оқибатларига руҳий муносабати шаклланади. Муаллиф асар тўқималарига ейилиб кетган фожиавий руҳни юқори босимда тутиб туради. Мазкур ҳолат гоҳ бадий чизгилар, гоҳ нутқий риторика воситасида умумлаштиради. Ҳикояда адибнинг қаҳрамонларига хайрихоҳлиги ҳар бир нуқтада сезилиб туради. Айниқса, она қиёфасини шакллантиришда ёзувчи лиризм оқимини бир қадар кучайтиради. Муқаддимаданок «ранги уникқан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган» Умри холанинг маҳзун ҳолати китобхон тасаввурида трагик ҳиссиёт уйғотади. Сентиментал кайфият куюқлиги лирик ифоданинг устуворлигини бўрттиради.

«Урушнинг сўнгги қурбони» асарида характер мантиғини психологик жиҳатдан асослашга мойиллик сезилади. Қаҳҳор услубини эслатадиган аниқлик ва далилланганлик баъзи ўринларда қавариб кўринади. Жумладан, онанинг «тарс-тарс ёрилиб кетган бармоқлари» чизгиси ғоявий мундарижанинг бир нечта нуқталарини жипслаштиради. Деҳқончиликдан хабардор китобхон яхши билади: кўл билан лой ишқалансагина бармоқлар тарс ёрилиши мумкин. Шу ҳаётий кичкина унсурда аёлнинг иккиланишлари изтироблари, виждон азоби ўз ифодасини топган.

Мазкур ҳикоя образлар уртасида конфликтга эмас, балки ҳаётнинг жорий муаммолари билан маънавий қадриятларнинг азалий талаблари

¹ Дидро Д. Избр. произв. -М.: -Л.:ГИХЛ,1951.-С.206.

орасидаги карама-қаршилик асосига қурилган. Бу зиддиятнинг кучи ташқаридан кура, персонажлар кунглида яққолроқ сезилади. Бу ҳол образларнинг фожиавийлик даражасини оширади.

Фожиавий воқеликнинг очик тасвири берилган бу ҳикоя адиб ижодида узига хос ахамиятга эга. Асар қаҳрамонининг ички оламида руй бераётган даҳшатли қисирғалар китобхонни тинч қўймайди. Ҳикоя қаҳрамонлари етишмовчилик сабали сарсан-саргардон кимсалар. Асарда турмуш йулида узини утга-чукка урадиган одамларнинг руҳий дунёси ғоят таъсирли курсатиб берилган.

Адиб ҳикояларининг аксариятида чексиз ҳаётӣй синовлар, кучли руҳий изтироблар гирдобидаги қаҳрамонлар тасвирланади. Ёзувчи ҳикояларида батафсил баён қилиш йулидан бормади. «Чунки ҳикоя жанри батафсил баённи кутармайди»¹. Бу ҳикояларда купинча уйчан, нозик туйгули, серҳиссиёт аёллар тасвирланади. Ўқувчи куз олдида жонлантирилган руҳий ғалаёнлар, уткир драматик тукнашувлар тасвири улардан келиб чиқадиган маънавий-эстетик маъно салмоғини оширади.

Ўткир Ҳошимов ҳикоялари аксариятида қаҳрамонлар маиший муаммолар орқали уларнинг руҳий дунёсини тафтиш қилади. Айнан маиший муаммолар талқинида психологизмдан фойдаланади. Аслида, бунинг ўзига хос услубий асослари ҳам мавжуд. Сабаби, адиб кўпинча қаҳрамонлари қиёфасини ўзбек халқининг асрлар давомида ардоқлаб келган миллий удумлари, қадриятлари фонида чизиб беради. Шунингдек, жамият негизини ташкил этувчи, унинг устуни бўлган оила мавқеи ҳар бир миллат томонидан ўзига хос тарзда тушунилади. Ўзбекларнинг оилага муносабати этнос таянган маънавий-ахлоқӣй асосларга мутаносиб тарзда шаклланган. Шундан келиб чиқиб, оила дахл қилиб бўлмас муқаддас қадрият саналган. Чунки ўзбек миллатининг бугунигина эмас, истиқболи ҳам оилада қарор топади. Техник тараққиёт авж олаётган ҳозирги пайтда

¹ Каримов Ҳ. Наср бахшиси. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.11.

оила маънавияти бир қадар пасайиб бораётгани кўзга ташланмоқдаки, бу жараёни адиблар бор ҳаққонийлиги ва маънавий-руҳий оқибатлари билан тасвирга олмоқдалар. Улар бу мураккаб ҳолатлар тасвири орқали нафақат алоҳида бир инсон, балки давр драмасини ҳам очиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозирги оилалардаги эркак ва аёлнинг ўзаро муносабатларида юз бераётган туб ўзгаришлар ва улар туфайли юзага келган руҳий ғалаёнларни бутун нозиклиги ва чигалликлари билан қаламга олаётган Ўткир Ҳошимов асарларида инсон кали кечинмалари янгича йўсинда ифода этилаётир. Адибнинг аксарият ҳикояларида оиладаги чигал, серташвиш, баъзан эса иложсиз ҳолатлар бор мураккаблиги билан акс эттирилмоқда. Қаҳрамонлар руҳий оламидаги кучли пўртаналар, ўлчовсиз изтироблар жўнгина оилавий муносабатлар, турмушнинг оддийгина ташвишларидан туғилади. Масалан адибнинг «Янга» ҳикоясида ака-укалар оилаларида юз берган воқеалар орқали эр-хотин муносабатлари, аёлларнинг руҳиятидаги қарама-қаршиликлар маҳорат билан ифода этилади. Ҳикоя Акмал образи тилидан берилади. Бу ҳикояда Акмал ўз ҳаётини сўзлайди, ва янгасининг унга кўрсатган меҳрибонликлари, онаси эрта вафот этиб кетгандан (у вақтларда Акмал биринчи курс студенти бўлади) кейинги даврида худди онасидек унинг кийимларини ювиши, вақтида овқатини тайёрлаб бериши, ҳар куни эрталаб унинг чўнтагига бир сўм пул солиб қўйиши, «ўқишни ташлайман», деб ғалва қилганида «онамнинг руҳи чирқиллайди» деб ёлворишлари, Акмалнинг ўқиши учун барча шароит яратиб бергани айтилади. Шундай меҳрибонликлар эвазига Акмал ўқишни тугатиб, мустақил, ўзига тўқ оила бўлиб етишади. Бир куни янгаси уларникига озгина пул сўраб келади. Акмалнинг хотини Клара ҳар хил баҳоналар билан уйда пул йўқлигини, болаларига зарур кийим-бош ола олмаётганини пеш қилади. Овинларнинг ўзаро суҳбатини ишдан чарчаб келиб, дам олиб ётган Акмал эшитиб қолади. Овсин уйига қуруқ қайтгач,

Акмал руҳан эзилади, унинг меҳрибонликларини эслайди ва хотини Клара билан жанжаллашиб, унинг қаршилигига қарамай, уйидаги бор пулни олиб акасининг уйига –янгаси ёнига кетади. Ҳикоянинг кульминацияси шундаки, янгаси бу пулни ўзи ёки оиласи учун эмас, вафот этиб кетган қайнонасининг вафот этган кунини қариндош-уруғ билан Қуръон чиқартирмоқчи бўлганини айтади: « -Кларанинг хабари йўқ, бугун мен ойлик олувдим. –У чўнтагидан пул чиқариб, дастурхон четига қўйди. – Ўзингиз бирорта қишлоқ кийим олиб берарсиз, келинойи...

Акмал ёлғон гапираётганини, гаплари сунъий чиқаётганини билиб, тўхтаб қолди.

Янгаси ярқ этиб, унинг юзига қаради.

-Раҳмат, Акмалхон, -деди янгаси оҳиста товушда. Унинг овозида зарда ҳам, ўкинч ҳам йўқ эди. –Болаларнинг кийими етарли, деди у дастурхон попугини ўйнаб. –Бошқа нарсага зарур бўлиб қолувди... Биласиз, индинга ойим вафот этган кунларига ўн йил тўлади. Шунга узоқ-яқин қариндошларни чақирмоқчийдик. Озроқ етмай турувди...

Акмал сесканиб янгасига қаради-ю, ҳайкалдай қотиб қолди...»¹

Ҳикояда янга образининг бой руҳий олами, кўпинча карама-қарши қутблар тарзида талқин этилувчи «қайнона-келин» муносабатларидаги ўзбекона урф, соф миллий қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ, удумларга нисбатан чуқур ҳурмат юксак бадиий штрихлар акс эттирилган. Масалан, Акмал ўқишни ташлаб, заводга ишга кирмоқчи бўлади: «...ўша қиш тонги асло эсидан чиқмайди. Акмал уйғонганида чўян печкада ўт гувиллаб ёнар, янгаси печка олдида чўнқайиб ўтирганча хаёлга толган, гўё ухлаб қолагнга ўхшарди. Акмал печка ғирасидан тушаётган ёғдуда янгасининг доғ босган юзини кўриб, янаям озиб кетганини, чехраси ғамгин эканини сезди.

Каравот ғичирлаганини эшитиб, янгаси ярқ этиб, унга қаради. Аммо ўрнидан жилмади.

¹ Ҳошимов Ў. Баҳор соғинчи. 2 жилдлик. 1-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –Б.310-311.

-Акмалхон, мен эшитдим, -деди у паст товушда. Кейин бир зум жим колди-да, уф тортди: -Майли, бизни ўйламай қўя қолинг. Ойимнинг арвоҳини чирқилатгани кўркмайсизми? Ойим сизни менга топшириб кетганлар. Тушундингизми?»¹

Умуман, Ўткир Ҳошимов ҳикояларида конфликт аксарият ҳолларда турмуш муаммолари асосига қурилган. Ҳикояларда кўпроқ ичдан эзиладиган, ўз-ўзини тафтиш этадиган қаҳрамонлар тасвирланади. Ҳикоя қаҳрамонларининг кўпчилиги руҳан безовта, уларнинг тақдири ҳам худди ҳаётларидек драматик яқунланади.

Адиб асарлар таҳлилидан кузатиладиги, бугунги ҳикояларда тасвирланаётган персонажларда ички тафтишга эҳтиёж кучли. Шунинг учун ҳам ўзбек ҳикояларида одам руҳиятидаги ўзгаришларни кўрсатиш катта мавқега эга бўлиб бормоқда. Аксарият ҳолатларда ёзувчилар қаҳрамонлар руҳий оламини очиш учун ички монологдан, ҳиссий ҳаракатлардан, психологик тасвирлардан самарали фойдаланмоқдалар.

¹ Ҳошимов Ў. Баҳор соғинчи. 2 жилдлик. 1-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2001. –Б.306.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Илму фан мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилсин. Асарлар тўплами. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 151б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. – 232 б.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият –енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008. -188 б.
4. Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. 1996. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. -181б.
5. Адабий турлар ва жанрлар. I-жилд. Эпос. –Т.:Фан, 1991. -382
6. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. –М.:Наука, 1986. –С.444.
7. Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. –180 б.
8. Мамажонов С. Сайланма: Адабий-танқидий мақолалар. – Т.:Адабиёт ва санъат, 1981. 400 б.
9. Мирвалиев С. Наср, давр, қаҳрамон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. -240 б.
10. Мирзаев И. Тафаккур ва наср. –Самарқанд: нашриётсиз, 1993.- 189 б.
11. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. –Т.: Маънавият, 2000.
12. Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: Маънавият, 2006. -289 б.
13. Пospelов А. Введение в литературоведении. –М.: Наука, 1988. –234 б.